



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 2 ноябрь, чоршанба

№ 88 (11.787)

Эркин нарҳда сотилади

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 1 ноябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Юй Хунцзюнь ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбарининг шу йилнинг август ойида Хитойга давлат ташрифи чоғида Ислам Каримов ва ХХР раҳбари Ху Цзиньтао Дустилик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартномага имзо чекдилар. Бу ҳужжат Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлаб, Узоро ҳамкорлигининг янги даражасига ишонч билдирди.

Айни пайтда алоқалар барча соҳаларда фаоллашмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Яқинда халқаро террорчиликка қарши кураш бўйича Ўзбекистон-Ҳиндистон ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Президент Ислам Каримов Ҳиндистон элчисининг Ўзбекистондаги фаолиятига муваффақият тилади. Сканд Ранджан Тайал Ўзбекистон билан Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш имконияти туғилганидан мамнуният изҳор этди. Умумий манфаатларимизга хизмат қиладиган хайрли ишларни амалга ошириш, хусусан, сармоявий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш йўлида меҳнат қилишни таъкидлади.

Президент Ислам Каримов элчини янги лавозимда ишга қиришгани муносабати билан кутлар экан, Ўзбекистон билан Хитойнинг ҳамкорлиги келгусида барча йўналишларда янада ривожланиб бораверишига ишонч билдирди. Хитой элчиси самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд алоқаларни янада ривожлантиришга, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Корея Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ли Дон Пал ҳам ишонч ёрлиғини топширди.


Шу куни Президент Ислам Каримов Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Сканд Ранджан Тайалдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг дўстона алоқалари узоқ даврларга бориб тақалади. Бугунги кунда халқларимизнинг ана шу азалий алоқалари аъёнларга асосида мамлакатларимиз ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари изчил тараққий этмоқда. Президент Ислам Каримовнинг жорий йилнинг апрелида Ҳиндистонга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар бу муносабатлар мазмунини янада бойитиб, ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этди.

Ислам Каримов ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан, шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан элчини кутлаб, юртимизда бошланғич миссиясида муваффақиятлар тилади. Ўзбекистон билан КХДР муносабатлари ривожланиб бораётгани, айниқса, мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилгани таъкидланди. КХДР Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни, миллий тоғулиқни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасидаги саяё-харакатларини қўллаб-қувватлади.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. КХДР элчиси самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини ямғаслигини таъкидлади.

Авалло, виллоятда мавжуд

Олим ва мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, экин майдонидаги тупроқ бир йиллик ўртача меъёрдаги азотли озуканинг асосий қисмини табиий йўсинда, яъни куз, қиш ва баҳор фаслида ёғадиган қор ва ёмғир, шунингдек, туман воситасида ҳаводан олади. Қолганини эса, деҳқон ўз қўлидан беради. Экин экиладиган ер азотли ўғитнинг асосий қисмини ҳаводан олар экан, демак, қор ва ёмғир сувлари тупроқнинг остки қатламларигагина сингиб бориши керак. Бунинг учун эса ернинг 40-50 сантиметр юза қатлами юмшатилган ҳолда бўлиши лозим. Акс ҳолда, ёғин сувлари ерга тўлиқ шимилмай, асосий қисми ҳавога бугуналиб кетади. Хулоса қилиб айтганда, кузги шудгорнинг бутун мазмун-таъсири ва аҳамияти ҳам шунда. «Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда» деҳқонча нақл ана шу мантиқдан келиб чиққан. Зеро, экин майдонлари кузда қанча барвақт, чуқур ва сифатли ҳайдалса, ўша йили ҳосилдорлик юқори бўлиши амалда исботланган.



КУЗГИ ШУДГОР: ЕРНИ СОҒЛОМ, ТУПРОҚНИ УНУМДОР ҚИЛАДИ

Бу йилги куз ҳавоси деҳқонларимиз бахтига жуда қулай келди. Пахта ҳосили барча туманларда ноябрь ойига яқиниб-териб олиниб, шартнома режалари ортиги билан бажарилди. Бинобарин, кузги шудгор билан боғлиқ тадбирлар ижросига ҳар йилгидан барвақт киришиш ва эрта якунлаш имконияти бор. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, республика Президентининг «2006 йил ҳосили учун шудгорлаш ишларини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида» шу йил 25 октябрда имзолаган қарори ана шу имкониятлардан оқилана ва самарали фойдаланиш йўли-йўриқларини оидинлаштириб берди.

Бугунги кунда бизнинг виллоятимизда ҳам кузги шудгор ҳар бир тумандаги шариот ва талаблар аниқ ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган қатий жадал асосида қилинмоқда. Беистисно барча туманларда шудгорлаш жадалини тузишда виллоят ҳокимининг «2006 йил ҳосили учун ҳайдов тракторларини кузги шудгорлашга тайёрлаш ва шудгорлаш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш» таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифалар асос қилиб қилиб олинди.

Ҳайдов тракторларини кузги шудгорлашга тайёрлаш ва бу муҳим ишларни мувофиқлаштириб борилишини таъминлаш мақсадида махсус ишчи гуруҳи тузилди. Айнан шундай тадбирлар барча қишлоқ туманларида ҳам ташкил этилган бўлиб, улар ўз фаолиятини бошлаб юборди. Хусусан, ушбу ишчи гуруҳларнинг виллоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, МТПлар бирлашмаси, ҳокимликлар билан биргаликдаги саяё-харакатлари туфайли кузги шудгорда ишлатиладиган ҳамма ҳайдов тракторлари, плуглар, шунингдек, ерларни ҳайдашга тайёрлаш агрегатларининг техник ҳолатини олдиндан хатловдан ўтказилди, носозлари таъмирдан чиқарилиб, тўлиқ тайёр холга келтирилди, энг муҳими зарур миқдордаги эҳтиёт қисмлар захираси яратилди. Уларни юксак унум ва самара билан ишлатиш мақсадида гуруҳларга бўлган равишлар яратиб берилмоқда. Фавқуллода бузилган сабабли ҳайдов тракторлари ортиқча тўхтаб қолмаслиги учун кўча устаконлар техник хизмат кўрсатади. Жойларда ҳайдов тракторлари ишини икки сменада ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда. Виллоятда 2006 йил ҳосили учун 83.924 гектар ерни куз-

ги шудгор қилиш режалаштирилган. Бу ишга жами 497 та ҳайдов трактори жалб этилади. Шундан 158 таси «Магнум», қолганлари «Олтой-Т4», «ВТ-150» каби занжирли ҳайдов тракторларидир. Айтиш мумкинки, виллоятда кузги шудгор 22 октябрда бошланди. Ҳозир асосан сабзавот ва бошқа экинлардан бўшган ерлар ҳайдалмоқда. Бугунги кунга виллоят бўйича қариб 10.000 гектар экин майдонини шудгорлаб қўйилди. Виллоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, «Қишлоқҳўжалиқим» акциядорлик жамияти ва бошқа таъминоти ташкилотлар ерларни гузаяндан тазалаш, текислаш, шудгор олдиндан ўғит бериш каби агротехник тадбирларни амалга ошириш ва кузги шудгорни белгиланган жадалда мувофиқ ўз вақтида сифатли ўтказиш учун тақдир этиладиган минерал ўғит, ёнгилги-мойлаш ашёларини етказиб беришда узилишлар бўлмаслиги учун зарур чораларни кўрмоқдалар. Хусусан, виллоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси жойлардаги ишчи гуруҳлари билан биргаликда пахта даласи гузаяндан тазалангани тўғрисида далолатнома расмийлаштирилганда сўнгги шудгорлашга рўхсат бериш ҳамда ҳайдалган ерлар сифатига ҳар бир контур бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2005 йил 6 ноябрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 4 ноябрь жумага кўчириш тўғрисида

Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилана фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 6 ноябрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 4 ноябрь жумага кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 31 октябрь.

РАВНАҚИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Мақсад қанчалик хайрли бўлмасин, қаттиқ интизом, оқилана саяё-харакатларсиз уни рўйбга чиқариш мушкул. Шунингдек, эзгу ниятларни ҳамма ҳам бирдек идрок этиб, қабул қила олмайдиган, चुки ўртада нафс балоси, манфаатпарастлик сингари кирдикорлар бор.

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўлч ёйдириш, ўрта ва хусусий корхоналар тармоғини кенгайтириш йўлидаги гўвлар — амалдорларнинг ўзбошимчилиги, текширувчиларнинг ўз манфаатини қўзлаб, тирноқ остидан кир қидириши, ижрочиларнинг лоқайдлиги бунга яққол мисол.

Сентябрь ойларида эълон қилинган бир қатор фармон ва қарорлардан келиб чиқадиган вазифаларнинг мантйқий давоми бўлди, — деди Файрат Абдухамидович. — Маълумки, кейинги ойлarda иқтисодийни ривожлантиришнинг асосий вазифаси — тадбиркорлик ҳаракатини кенг қўлч ёйдириш, унинг йўлида пайдо этилаётган суний тўсиқларни кўтариб ташлашга қаратилган кескин кадамлар қўйилмоқда. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, қулайликлар яратиш, унга асосан аралашувлар — турли-туман текширувларни чеклашга қаратилган чора-тадбирлар бу жараёнинг етакчи йўналишига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳукумат бу гўвларни кўтариб ташлаш, тадбиркорликни кенгайтиришга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиб, ана шундай бошбошдоқликларга чек қўйиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Шу йилнинг 5 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон бу жараёнда алоҳида ўрин тутиши табиий. «Тошкент ҳақиқати» газетаси муҳбири виллоят давлат солиқ бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Файрат Абдувоҳидов билан ана шу муҳим қонун ҳужжатининг асосий талаблари, уни оғишмай амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлади.

— Фармонда қўзда тутилган чора-тадбирлар Президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларидан, июнь

— Шундай қилиб, Фармонда қўйилган вазифалар нималардан иборат? — Эндликда асосий эътибор текширишларни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, уларни кес-

— Эндликда асосий эътибор текширишларни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, уларни кес-

(Давоми 2-бетда).


ЕР РЕСУРСЛАРИ МУҲОҒАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда чўлланишнинг олдинчи олиш, ер ресурсларини бошқариш ва тупроқ унумдорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган иккинчи миллий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурдаги Гидрометеорология бош бошқармаси ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар, фермерлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таълим ва ислоҳот

Виллоят халқ таълими бошқармасида барча шаҳар ва туман бўлимларининг мутасадди ходимлари, ўқув муассасалари раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган йилгилиш бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг тўққиз ойи давомида бажарилган ишлар, виллоят таълим муассасаларининг бугунги аҳволи чуқур таҳлил этилди.



ЖИДДИЙ САБОҚ

Йилгилиш давомида таълим муассасаларининг кўпқиррали фаолиятини ҳолис баҳолаш учун электрон почта хизмати йўлга қўйилди. Виллоятда 73 та мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларда 32504 нафар ўқувчи қамраб олинган. Ушбу кўрсаткич утган йилга нисбатан ошган. Жорий йилда виллоятдаги умумтаълим мактабларида 1409 та фан тўғрисидаги таълим қилинган бўлиб, бу ҳам ўтган йилга нисбатан кўпдир. 2005-2006 ўқув йилида виллоятдаги умумтаълим мактабларида жами ўқувчиларнинг 35,7 фоизи жисмоний тарбия билан шуғулланмоқда. «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида умумтаълим мак-

таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларда 32504 нафар ўқувчи қамраб олинган. Ушбу кўрсаткич утган йилга нисбатан ошган. Жорий йилда виллоятдаги умумтаълим мактабларида 1409 та фан тўғрисидаги таълим қилинган бўлиб, бу ҳам ўтган йилга нисбатан кўпдир. 2005-2006 ўқув йилида виллоятдаги умумтаълим мактабларида жами ўқувчиларнинг 35,7 фоизи жисмоний тарбия билан шуғулланмоқда. «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида умумтаълим мак-

УзА.

(Давоми 2-бетда).

«Обуна — 2006»

БЎКАЛИК МУШТАРИЙЛАР АНЧА ФАОЛ

Бугунги кунда матбуот ҳақли равишда халқнинг эркин минбарига айланган. Бу эса сисёсий-ижтимоий газеталарнинг омма ўртасидаги мавқеи ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Хал қилувчи паллага кирган обуна мавсуми ҳақида тўхталадиган бўлсам, виллоятимизнинг бир қатор туман ва шаҳарларида, меҳнат жамоаларидаги саяё-харакатларнинг сезиларли натижаларини кўриш мумкин. Жумладан, Бўка тумани ҳокимлиги, туман почта-алоқа бўлими ходимларининг келгуси йилга обунани ташкил этиш ва мавсумини муваффақиятли ўтказиш юзасидан ҳамкорликда амалга оширилган ишлари ибратлидир.

— Туманимизда давлатга нилла, галла ва пахта етказиб бериш бўйича йиллик шартнома режалари шараф билан уудаланди, — дейди туман ҳокимлиги ижтимоий соҳа мутахассиси, матбуот маркази раҳбари Муборак Ҳожимуродова. — Айни кунларда газета-журналларга обуна ишлари қизгин бора-япти. Жумладан, «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарига жами обуна сони шу кунгача 650 тадан ошди. Мавсумда туман касб-хунар коллежи, халқ таълими бўлими, марказий шифохона жамоалари фаолият кўрсатишди. Мақсад, мавсумини ноябрь ойининг 15 кунига қадар муваффақиятли янгулаш.

туман ҳокимлиги ижтимоий соҳа мутахассиси, матбуот маркази раҳбари Муборак Ҳожимуродова. — Айни кунларда газета-журналларга обуна ишлари қизгин бора-япти. Жумладан, «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарига жами обуна сони шу кунгача 650 тадан ошди. Мавсумда туман касб-хунар коллежи, халқ таълими бўлими, марказий шифохона жамоалари фаолият кўрсатишди. Мақсад, мавсумини ноябрь ойининг 15 кунига қадар муваффақиятли янгулаш.

Яна бир гап айтмоқчиман. Газета ўрни келганда ҳар бир соҳа вакилининг иш фаоли-

Мунаввара РАЖАББҲҲИ ҚИЗИ.

2006 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси - 205.

Таълим ва ислохот

ЖИДДИЙ САБОҚ

таблари, ўқитувчи ва мураббийлари ўртасида энгил атлетика спорт мусобақаси ўтказилди. Вилоятнинг 5 та худудда ўтган мусобақаларда 30 та, вилоят босқичида 4 та жамоа иштирок этди ва мусобақа якунига кўра Янгийўл шаҳри атлетикачилари голиб деб топилди. Республика финал босқичида вилоят терма жамоаси фахрлий ўринни эгаллади. Айни пайтда «Умид нихоллари» — 2006- спорт ўйинларининг биринчи босқичи ўтказилиш арасида.

тида ҳарорат белгиланган мезбидан анча паст бўлади. Ангрэн шаҳридаги 1-, 5- ва Зангиота туманидаги 26-мактабларнинг иситиш тизими қишки мавсумга тайёрланмаган.

Янгийўл шаҳри атлетикачилари голиб деб топилди. Республика финал босқичида вилоят терма жамоаси фахрлий ўринни эгаллади. Айни пайтда «Умид нихоллари» — 2006- спорт ўйинларининг биринчи босқичи ўтказилиш арасида.

Халқ таълими вазириликнинг 2005 йил 19 февралдаги «Умумий ўрта таълим мактабларини бешташга ягона талаблар тўғрисида»ги 29-сонли буйруғи асосида бошқарманинг 2005 йил 1 мартдаги 57-сонли буйруғи қабул қилиниб, умумтаълим мактабларини замонавий шаклда, бугунги кунда таълимга қўйилган талаблар мазмунини ёритувчи, муассаса фаолиятининг ошқоралигини таъминловчи, уларнинг кундалик ҳаётини акс эттирувчи паннолар билан безатиш ишлари олиб боришмоқда. Бу борада Чиноз, Тошкент, Янгийўл, Уртачирчиқ туманларида ибратли ишлар амалга оширилган. Лекин Қибрай туманидаги 29-, Қуйчириқдаги 11- ва Оҳангарон шаҳридаги 8 та мактабдан 7 тасида кўргазмали воситалар йиллаб ўзгартирилмаган. Балоғатга етмаганлар билан ишлашда оила, жамоатчилик ва тегишли идоралар ўртасидаги ҳамкорлик Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларида етарли даражада эмас. Биргина Чирчиқда 56 нафар ўсмир рўйхатга олинган. Яна шуниси афсусланарлики, айрим фамилиялар, бола мактабдан аллақачон чиқиб кетган бўлса-да, рўйхатда йилдан-йилга тақрибан қолдирилган. Бу эса ҳужжатларни расмийлаштириш ишларида ноаниқлик мавжудлигидан далолатдир. Шундай ҳолат бу йил 9-синфларни битириб чиққан ўқувчилар рўйхати бўйича ҳам кузатишмоқда, яъни уларнинг айни пайтда қайси коллеж ёки лицейга тахсил олаётганини кўрсатувчи маълумотномаларда турлича тафовутлар бор.

Сир эмас, «2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умумий миллий дастури»га кўра бюджетдан катта-катта маблағ ва жиҳозлар ажратилмоқда. Лекин, афсуски, ўқув жиҳозлари ўз эгаларига етиб бормаган мактаблар ҳам мавжуд. Масалан, келтирилган медаллар ҳалғача жой-жойига қўйилмаган. Баъзи шаҳар ва туманларда (Ангрэн, Бўстонлик, Бекобод) молиявий хато ва бузилишларга йўл қўйиб, ҳатто, давлат маблағини ўзлаштириб юбориш ҳолатлари кузатишган.

Ийгилишда, шунингдек, кадрлар таъминоти ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ижара усулида дарсликлар билан таъминлаш, мактабга тарбия муассасаларининг фаолияти, 2006 йил учун газета-журналларга обуна сингари долзарб масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Вилоят халқ таълими тизимида камчиликларга барҳам бериб, кескин бурилиш ясаш даври келганлиги рўй-рост тан олинди.

Ийгилиш тегишли қарор қабул қилди. **Машқура ЗОХИДОВА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йўл ҳаракати хавфсизлиги

АСЛИДА КИМ САБАБЧИ?

Илгарилари бирор жойда автохалокат содир бўлса, кўпчилик «Йўлларимизнинг аҳоли жуда чатоқ-да, айниқса, тор ва ўйим-чуқурлиги сабабли бахтсиз ҳодисалар рўй беради», дейишар эди.

Дарҳақиқат, бундан 10-12 йил олдин шаҳардан сал четга чиқилса, кўчалар тор, ўнқир-чўнқир, унинг устига тунлари қоронғу бўларди. Бугунга келиб кўчалар кенгайтирилди, раволаштирилди. Хусусан, вилоятимизда ҳам бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги уч йил ичда халқро ва давлат аҳамиятига эга бўлган йўллар жохон андозлари даражасида қайта таъмирланиб, ҳайдовчиларга етарли шароит яратилди. Тошкент-Чиноз, Тошкент-Ҳазалкент, Тошкент-Уш ва бошқа бир қанча йўлларда қилинган ишлар фикримизга яққол далил бўла олади.

риб олиб, автотранспортлар ҳаракатида халал бермоқдалар. Натихада бир неча бор одам уриб юбориш ҳолатлари қайд этилди. Шундай катта йўлларнинг бўйида молларни боқиб натижасида ҳам бахтсиз ҳодисалар рўй бермоқда. Масалан, Ҳазалкент томонга қараб ҳаракатланаётган Олимпбек Хусанов бошқарувидаги «Матиз» автоуловни қаршидан Собиржон Алимовга тегишли қорамол кўкжисдан чиқиб қолади, натижада автотранспорт ҳодисаси рўй бериб, ҳайдовчи оғир аҳволда касалхонага ётқизилади.

Албатта, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо унинг олдини олишга келсак, «Ким айбон?» деган савол турлилиги табиий. Бошқармадаси ҳодимлари бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини қўйиштиришмоқда, бироқ ота-оналар, мактаб маъмурияти бу ишларга беради юз бергандан кейин биз уларнинг келиб чиқши сабабларини ўрганиб, бундай фожиалар қайта такрорланмаслиги чораларини кўришимиз зарур.

Албатта, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо унинг олдини олишга келсак, «Ким айбон?» деган савол турлилиги табиий. Бошқармадаси ҳодимлари бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини қўйиштиришмоқда, бироқ ота-оналар, мактаб маъмурияти бу ишларга беради юз бергандан кейин биз уларнинг келиб чиқши сабабларини ўрганиб, бундай фожиалар қайта такрорланмаслиги чораларини кўришимиз зарур.

Кейинги вақтларда фуқароларимиз, айниқса, болалар йўл ҳаракати қондаларига риоя қилмай, қўйлаб автохалокатларга сабаб бўлишмоқда. Масалан, Бектемир-Ҳазалкент йўлининг Юқори-Чирчиқ тумани худудига болалар қарама-қарши йўлларнинг тўсиқлари устида ўти-

риб олиб, автотранспортлар ҳаракатида халал бермоқдалар. Натихада бир неча бор одам уриб юбориш ҳолатлари қайд этилди. Шундай катта йўлларнинг бўйида молларни боқиб натижасида ҳам бахтсиз ҳодисалар рўй бермоқда. Масалан, Ҳазалкент томонга қараб ҳаракатланаётган Олимпбек Хусанов бошқарувидаги «Матиз» автоуловни қаршидан Собиржон Алимовга тегишли қорамол кўкжисдан чиқиб қолади, натижада автотранспорт ҳодисаси рўй бериб, ҳайдовчи оғир аҳволда касалхонага ётқизилади.

қин қисқартириб, ҳўжалик йортувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга доир қонун ҳужжатларининг талабларига қатъий риоя этилиши учун назорат идоралари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилмоқда. Биз вилоят давлат солиқ бошқармасида шу Фармон ижросини таъминлашга хизмат қилувчи махсус дастур ишлаб чиқдик. Фармоннинг барча талаблари унга асос қилиб олинди. Чунончи, эндиликда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти кўпи билан ҳар тўрт йилда бир марта текширилади. Режа асосида бундай текширишлар бошқа тадбиркорлик субъектларида ушбу йилда бир марта ўтказилиши аниқ белгиланди. Янгидан ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти эса, улар давлат рўйхатида олинган пайдан бошлаб, икки йил мобайнида режа асосида мутлақо текширилмайд.

тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш биналари, савдо шаҳобчалари бундай режа асосида, шунингдек, етказилган зарарни муддатда ва ихтиёрий равишда тўлиқ қопласа, пеняни ҳам тўласа, унга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди.

Тадбиркор текшириш натижалари бўйича назорат идораларининг тақдимномалари вақтида баҳарса, шунингдек, етказилган зарарни муддатда ва ихтиёрий равишда тўлиқ қопласа, пеняни ҳам тўласа, унга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди.

римида улар аниқ-равшан белгиланган. Ҳўш, бундай чоралар нисбатан иборат? Аввало, назорат идораларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини руҳсатсиз текширилганлиги ва уларнинг ҳўжалик фаолиятига но-

вало, барча бўғинида ҳодимларимиз ўртасида маънавий-ҳуқуқий тарбия ишларини кучайтиришмоқдамиз. Мазкур тартиблар бузилган ҳолатларда тегишли раҳбарлар ва мансабдор шахслар жавобгарлиги алоҳида кўриб чиқилади. Аввало, мансаб-

ҳуқуқлари билан яхши таниш бўлишлари керак. — Сиз «режали текшириш» иборасини кўп ишлатаясиз. Текширишларни ўтказишнинг яна қандай усули бор? — Одатда назорат режали амалга оширилади. Бундай ҳуқуққа эга бўлган идоралар текширишларни олдиндан режалаштирилади, улар мувофиқлантирилади.

Лекин шундай ҳоллар ҳам юз берадики, бирор тадбиркорлик субъекти молия-ҳўжалик ишларини олиб боришнинг қонунларимизда белгиланган тартиб-қоидаларини бузётганлиги, айтайлик, даромадларини ишрафтганлиги ҳақида маълумотлар олина бошланади. Шундан режадан ташқари текширишлар ўтказилиши мумкин. Бу «ҳўжалик йортувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунда кўзда тутилган. Бирок, наватдан ташқари текширув ўтказиш ташаббуси билан чикувчи назорат идораси бунинг асосли сабабларини аниқ изоҳлаб бериши керак. Фақат факультетда ҳолатларда уларни ўтказишга руҳсат берилди.

РАВНАҚИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

учун муайян «имконият» тудириб келганлиги ҳам сир эмас. Энди эса, уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш такрорланганига асло йўл қўйилмайди. Худудий солиқ идоралари бундай текширишларни тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ идораси билан бир вақтда амалга оширилади.

Фармон талабларига кўра, янгидан амалга киритилган бундай қондалар орасида яна бир жиҳат диққатга сазовор. Мен бу ўринда тадбиркорлик субъектларига берилган яна бир муҳим энгилликни назарда тутаяман.

лар қўлланилмайди. — Гарчи кейинги пайтларда кескин қамийган бўлса-да, руҳсатсиз текширувлар, ноқонуний аришувлар, ҳўш, гоҳ бу шаҳар ёки туманда юз бераётганлиги ҳақидаги шикоятлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, «Тошкент ҳақиқати» тахририга ҳам шундай арзномалар, маълумотлар келиб туради. Айтинг-чи, бундай пайтларда амалий, таъсирчан чоралар қўрилайми?

қонуний аришланганлиги учун гарчи етказилган иқтисодий зарар қолганган тақдирда ҳам, жавобгарликка, ҳатто, жиноий жавобгарликка тортилади. Назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибларга қатъий риоя этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам прокуратура назорати амалга оширилади.

дор шахсларни шундай жавобгарлик тўғрисида ёзма равишда оғохлантирдик. Иккинчидан, давлат солиқ хизмати идораларининг ҳўжалик йортувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ҳодимларига Фармон талабларини чўқур ўргатиш мақсадида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ўқув машғулоти ташкил этилмоқда. Одатда уларга микрофирмалар, кичик ва хусусий корхоналар, фермер ҳўжаликларининг соҳиблари ҳам тақлим қилинади. Чунки, улар ҳам қонунларимизни атрофлича ўрганиб олишлари, ўз бурчлари ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

«ЭЙВАЛЕК» ИСТИҚБОЛ УЧУН ИШЛАЯПТИ

Мамлакатимиз қон томири деб аталмиш темир йўллар қурилишини «Эйвалек»нинг шпалларисиз тасавур қилиб бўлмайди. Шу кунларда махсулот «Ғузур-Бойсун-Қумқўрғон» йўналиши бўйича бунёд этилаётган янги темир йўл шахобчасига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Мазкур йўналишда қурилиш ишларини олиб бориш бўйича 2004-2007 йилларга мўлжалланган давлат дастури билан амалга оширилишига Оҳангарондаги «Эйвалек» махсус темир-бетон буюмлари

ларининг ривожланиши, шу худудда яшириниб ётган табиий бойликларнинг ўзлаштирилиши учун қулай имкониятлар яратди, — дейди жамият бошқаруви раиси Мухаммадфотих Зиёвуддинов. — Шунингдек, бу йўл халқро аҳамиятга ҳам молик. У Трансафгон деб ном олган лойиҳани амалга ошириш оқали мамлакатимизнинг жонубдаги жаҳон денгиз коммуникацияларига чиқишини таъ-



СУРАТДА: корхонанинг бир гуруҳ етакчи мутахассислари.

очик ақиддорлик жамияти ўз хиссасини қўймоғи лозим. — Биз темир-бетон шпаллар етказиб бераётган янги темир йўл тармоғи келажақда республикамизнинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят-

минлайдиган янги транспорт йўлга бўлиб қолади. Корхона маъмурияти ўз махсулотига, айниқса, шпалларига ортиб бераётган талабни ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, яъни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, илгор технологияларни жалб этиш йўлидан қатъий бормоқда.

Шу мақсадда 2002 йили корхонанинг асосий цехлари «Технология» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ёрдамида реконструкция қилинди ва шу асосда унинг куб метри икки баравар ошди. 2006 йилда бешинчи технология тизим қурилиб, ишга туширилиши режалаштирилган.

Корхона жамоаси йилнинг тўққиз ойида 137 минг 313 донна сифатли шпал, 30 минг куб метр ҳажмда қум ва шағал махсулотларини ишлаб чиқарди. Махсулотнинг асосий қисми, яъни биринчи навли шпаллар «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ақиддорлик компанияси барпо этаётган янги темир йўл линияси қурилишига, иккинчи нав шундай конструкцияларга эса Навоий, Олмалик қон-металлургия комбинатларига, шунингдек, «Ўзбекўйир» ОАЖ тасарруфидаги очик ақиддорлик жамияти корхоналарига буюртма асосида жўнатилапти.

Корхонада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилган. Иморатлар томини ёпиш учун махсус плиталар, шпаллоблоклар, пойдевор блоклари, йўлакбоп плиталар шулар жумласидандир.

Мунаввара ИСОКУЛОВА. Муаллиф олган сурат.

Ўқув ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Халқ депутати ўз ҳуқуқларидан фойдаланишни билдимми? Кенгашининг ваколатларини амалга оширишда депутатлар гуруҳларининг ўрни қандай бўлиши керак? Жамиятни демократлаштиришдаги ўрни-чи? Сийёсий партиялар депутатлар гуруҳи фаолиятининг қонуний асослари қандай?

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ҳузуридаги Сийёсий таълим марказида ўтган ўқув машғулотида юқоридаги каби муаммолар теварағида фикр юритилди. У халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш мавзусига бағишланди. Машғулотларда вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига шу сийёсий партиядан сайланган депутатлар, улар гуруҳларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Амалий ўқув-машғулотлардан қўзланган мақсад депутатлар гуруҳининг иш фаолиятини уюштириш, партия дастурини ҳаётга тадбиқ этишда давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик, депутатларда омма билан ишлаш малакаларини шакллантириш ва маҳоратини оширишдан иборат эди.

Машғулот икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқич назарий қисмдан иборат бўлди. Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатини модернизация ва ислоҳ этиш» маърузасида қўйилган асосий вазифалар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида либерал-демократик партия фракциясининг ўрни, халқ депутатлари маҳаллий кен-

гашлари ва унда сийёсий партиялар депутатлар гуруҳи фаолиятининг қонуний асослари ҳақидаги маърузалар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳар бир маърузадан сўнг савол-жавоб, баҳс-мунозаралар, фикр олишувлар бўлиб ўтди.

Ўқувнинг иккинчи босқичи амалий машғулот қўринишида ўтказилди. Унда партиядан сайловолди дастури ва минтақанинг шароитини ҳисобга олиб, депутатлар гуруҳларининг 2006 йилги иш режаларининг лойиҳаси ишлаб чиқилди, ижтимоий-иқтисодий йўналишда буйича депутатлар гуруҳи аъзоларининг вазифалари белгиланганлиги таъкидланди. Шу билан бирга ҳар бир депутатнинг фуқаролик позицияси ва шахсий масъулияти ҳақида фикр юритилди. Депутатлар кенгашларининг сессиялари муҳокамаидаги қиритилган маълумотларга доир нукта на назарларни тайёрлаш ва тақдим этиш усуллари ҳамда тартиблари билан таништирилди.

Бундай ўқув машғулотларини ҳар ойда ўтказиб туриш белгилан қўйилди.

ОИЛАВИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИ АМАЛДА

ва унда иштирок этган 50 нафар тингловчиларга мутахассислик гувоҳномалари топширилди. Энди улар олган билим ва тажрибаларини ўз иш жойларида, маҳалларда бошқаларга ургатадилар.

Сайёра РИХСИЕВА.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва халқро UNICEF ташкилоти ҳамкорлигида Ангрэн шаҳрида ўтказилган тадбир оилавий таълим дастурини амалга ошириш масалаларга бағишланди.

Бир ҳафта давом этган семинар-тренингда олим ва мутахассисларнинг илмий-амалий, кўргазмали маърузалари тингланди. Семинар машғулотларига Ангрэн шаҳри маҳаллалари маслаҳатчилари, тиббиёт ходимлари, мактабгача таълим муассасалари педагоглари, мураббийлар жалб этилди


Бу корхона илк иш фаолиятини 1954 йилда бошлаган эди. Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, кувватини ошириш ва ободончилик юзасидан амалга оширилаётган хайрли ишлар корхонанинг вилоятда етакчи жамоалар сафидан ўрин олишини таъминлади.

Бу ерда мижозларга кўрсатилаётган хизмат ҳажми йил сайин ортиб бораётди. Жумладан, ўтган 2004 йил галла мавсумида 19 минг тонна галла ташилиб, 57 миллион сўм, 1,5 минг тонна пахта ташилиб, 6,5 миллион сўм даромад топилган эди. Бу йил эса Қуйчириқ, Чиноз, Зангиота, Янгийўл туманларида жами 25 минг тонна бугдой ташилиб, 86 миллион сўм, 2 минг тонна атрофида пахта ташилиб, 8 миллион сўм даромад кўрилди. Умумий рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йили 225 минг тонна юк ташилган бўлса, бу йилнинг ўтган даврида эса 252 минг тоннага етди. Даромад ҳам кўпайди. 2004 йил 222 миллион 215 минг сўм билан яқунланган бўлса, 2005 йилнинг ўтган даври кўрсаткичини 268 миллион сўмга етказишга эришилди.

— Хозир корхонамиз худудида 7 та цех фаолият юритаяпти, — дейди бош муҳандис Солиҳон Қорабоев. — 248 та турли рўсумдаги транспорт воситаларига эгаемиз. Улар юк ташувчи ва ҳўжалиқда ишлайдиган автоматшнлардир. Бугунги кунда автожамланманнинг ўттизта шартномавий мижозлари мавжуд. «Чинозўйилдустрия» корхонаси, Зангиота ва Янгийўл туманларидаги

БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚОЛДИРОЛМАЙМИЗ

дейди Янгийўл шаҳридаги 2503-автожамланма жамоаси



йўл қурилиш бошқармалари, Хонободдаги асфальт ишлаб чиқаришга йўналтирилган автомагистрал корхонаси, Янгийўл туманидаги пахта тозалаш заводи автожамланманнинг доимий мижозларидан ҳисобланади. Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги қатор қурилиш ташкилотлари корхонанинг

ишончли мижозларига айлиниб бормоқда. Корхона ишчиларининг меҳнат шарафини яхшилаш, қулайлик ва имтиёзлар яратиш, моддий рағбатлантириш яқин йўлга қўйилган. Жамоада меҳнат қилаётган 350 нафар ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 50 минг сўмга

яқинлашиб қолди. Бундан ташқари, транспортчиларга махсус иш кийимлари, сут-қатик ҳам берилди. Ошқона, кийим алмаштириш, ювиниш хоналари ходимлар хизматиди. Замонавий спорт залда эса сауна, ҳовуз, тренажёр бўлимлари мавжуд.

— Жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш учун ўтган йили 950 минг сўм ажратилган эди, — дейди автожамланма касабга уюшмаси қўмитаси раиси Серикбой Усенов. — Бу йил эса 1 миллион 131 минг сўм ажратилди. Бундан ташқари, 47 нафар афғон уруши қатнашчилари бўлган ишчиларимиз учун алоҳида имтиёзлар яратилган.

Корхонанинг ҳимийлик ва оталиқ ишлари ҳам диққатга сазовор. 17-умумтаълим мактаби ҳамда 5-болалар боччасига йил давомида транспорт масаласида ҳамда ёзги таъмирлаш ишларида ёрдам берилди. Шаҳар кўчалари, маҳаллалардаги ободонлаштириш ва кўкчаларни яхшилаш ишларида ҳам корхона фаол иштирок этади.

Хуришда НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТДА: (ўндан) жамланма ҳайдовчиси Абдурашид Мавлонов, ишчи Мухаммадхон Алижонов ва тиббий хизмат ҳодими Тожибой Болтабоевлар.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Нишондорларимиз

Корхона Тамара Пардаева учун азиз, қадрдон масканга айланган. 30 йилдан ортиқ умрини шу корхонада ўтказмоқда. «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг темир-терсак парчаларига қайта ишлов бериш цехи исканжаловчиси, «Меҳнат шухрати» ордени нишондори 1973 йили 18 ёшида мартен цехида газда темир қирқувчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлагани кечагидек ёдида.

АЁЛ БАҒРИ ТЎЛГАНДА

Кейинчалик темир-терсак парчаларига қайта ишлов бериш цехига ўтди. Орада фарзандлари Анваржон, Шухратжон, Тоиржонлар дунёга келиб, она кучогини тўлдириди. 33 йилдан буюн иккинчи навли прокат цехида уста, кран хайдовчиси бўлиб ишлаётган умр йўлдоши Султонмурод билан икковлон фарзандларини воёга етказдилар. Ҳаётларининг давомчиси, касбининг муносиб издоши бўлишларига умид қилишди. Ниятлари амалга ошди. Ҳозирда 31 ёшли Анваржоннинг темирйўл цехида уста, Шухрат эса смена бошлиғи. Ўзбекистон металлургия заводи курилишида қатнашган Тамаранинг отаси йўлдош Назаров курилиш захматини бошидан кечирганда болалари, неваралари тақдири корхона билан чамбарчас боғланишига умид қилган бўлса, нежаб.

— Меҳнат инсонни улғайди. Ҳаётда ҳар доим сабр-бардошли, муомалали бўлиш керак, — дерди у. Табиати очик, хушмуомила металлургия цехида ўз ўрни бор. У ўзин истиколат қилаётган Мухамедов номи маҳалланинг хотин-қизлар кенгаши раиси. Маҳалланинг бирон-бир тадбири усиз ўтмайди. Қўллаб-хондонларда бўлади. Нотинч, жанжалли оилалардан хабар олиб туради. Данагидан мағзи ширин, дейди халқимиз. Бугун бувилик, боболик мартабасига етган Тамара опа ҳамда Султонмурод Пардаевлар бағрини набралари Севара, Темур, Арслон, Эшонларнинг қувонч-шодликларини тўлдириб туради. Лола 2-навли прокат цехи хисобчиси, Наташа келинлик хизматиди.

Матлуба ХОЖИМУРОДОВА.

МУҚИМ ДАРОМАД МАНЪБАН

Навоий номли ширкат ҳўжалиги иқтисодий салоҳияти жиҳатидан нафақат Қўйичирлик тумани, балки вилоятдаги, ҳатто, айтиш мумкинки, республикамиздаги саноқли ҳўжалиқлардан бири ҳисобланади. Шу боис уни қўйичирчиқликлар ҳавас билан миллионер ҳўжалик дейишади. Чунки, навоийликлар ҳар йили деҳқончилик мавсумини юз миллион сўмлаб соф фойда билан якунлашади.

ҳўжалик ерларни ҳайдаш, экишга тайёрлаш, хуллас, ҳосилни саранжомлаб олгунгача бўлган жараёнда ишла-тиладиган мукамал техника воситаларига эга. Ҳосилни ўз «Кейс»ларида ўриб-янчиб, ўз юк транспортларида қарийб уч гектар майдонни эгаллаган улкан хирмонга ташиб



Йўқ, ҳўжалик фақат шолчиликка иктисослашганиги учунгина шундай мустақам иқтисодий негизга эга эмас. Асосий гап шундаки, бу ҳўжалиқда ҳосилдорлик бошқа иқтисослашган ҳўжалиқлардагига нисбатан деярли икки баравар юқори. «Навоий»да ҳосилдорлик қачон 50 центнердан кам бўлганлигини ҳозир ҳеч ким эслолмайди. Масалан, ўтган йилги мавсумда ҳўжалик шолкорлари 1414 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 52,5 центнердан хирмон кўтардилар. Натижада 372 миллион 457 минг сўм соф фойда кўрилди. Рентабеллик даражаси эса 42 фоизга тўғри келди. Ҳўжалик аъзоларининг ойлик иш ҳақлари, тўғрироғи — йиллик даромадлари ҳам шунга яраша, албатта. Ҳўш, навоийликлар бундай рентабеллик, энг муҳими юқори даромадлиликка қан-

дай қилиб эришмоқдалар? Аввало шунини таъкидлаш ўринлики, ҳўжалиқнинг шолчиликка иктисослашганига кўп йиллар бўлди. Бинобарин, аъзолар бу тармоқнинг ўзига хос агротехикасини оддон пухта эгаллашган. Шолини парваририш бўйича катта тажриба орттиришган. Шундай бош пудратчилар борки, ҳар йили гектаридан 70-80 центнердан шол олишади. Ҳўжалик бошқаруви билан эса 42 центнер юзасидан шартнома тузилади. Ундан ошган иш пудратчи шолкорларнинг ўзларига қолади. Иккинчидан, ҳўжалик раҳбарлари аввал бошданок шолчиликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, жўн қилиб айтганда бўлсак, барча турдаги ва етарли микдордаги техника воситаларига эга бўлган техника паркин барпо этишга жиддий эътибор беришди. Ҳозир

ни моддий рағбатлантириш учун кенг имкониятлар сари йўл очилади. Чунки, аъзоларга ҳар йили катта микдорда дивиденд пули тўланади. Юқори ҳосилдорликка эришган, режани эрта ва ортиги билан баҳарганларга турли мукофотлар белгиланади. Катта-кичик йиғин ўтказувчиларга ҳўжалик ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилади. Санаторий-профилакторийларда дам олиб, соғлиқни тиклаб келишлари учун бепул йўлнамалар ажратилади. Ана шундай ёрдам умимоният ва имтиёзлардан баҳраманд бўлиш учун ҳўжалиқнинг ҳар бир аъзоси жон куйдириб меҳнат қилади. Бу йил 980 гектар майдонда шолнинг асосан «Узрос 7-13», «Авангард», «Мустақиллик» ва қисман «Лазер» навларидан одатгидек мўл ҳосил етиштирилди. 5 октябрда шолга ўроқ тушиб, айни вақтда ўрим-йиғим ишлари якунловчи паллага кирди. 6 та «Кейс» ва 3 та «Класс» комбайнлари қувватидан юксак умим билан фойдаланилди. Валерий Тхай, Омонгелди Мусоев, Яхшилик Эргашев, Олим Тошқўжаев каби тажрибали шолкорлар бош пудратчи бўлган далалардан ўриб-янчиб олинган шолнинг чўғи бу йил ҳам ҳўжалиқда

Olamdagar? nimagar?

ЯПОНИЯ: ҲУКУМАТНИНГ ЯНГИ ТАРКИБИ

Япония бosh вазирини Жунитиро Коидзуми амалдаги ҳукуматни истеъфога чиқариб, янги ҳукумат таркибини эълон қилди. ПАТА-ТАСС хабарига қараганда, Японияда ҳукумат раҳбаридан кейинги ўринда туровчи лавозим — бosh котибликка 51 ёшли Синдзо Абэ лойиқ топишган. Бунга қадар С.Абэ Либерал-демократик партия раисининг ўринбосари лавозимда фаолият юритиб келган. Синдзо Абэ сийбасатчилар оиласида туғилган. Унинг бosh боси 1957-1960 йилларда мамлакат бosh вазирини, отаси Синтаро Абэ эса ташқи ишлар вазирини бўлган. Япония ташқи сийбасат маҳкамасини 65 ёшли Таро Асо бoshқарадиган бўлди. У маъмурий ишлар вазирини эди. Мамлакат мудофаа бoshқармаси раиси эдиб Фукусима Нукага тайинланди. У 1998 йилда ҳам ушбу мавсасага раҳбарлик қилган. Бироқ ўшанда Ф.Нукага ҳарбийларнинг ҳуфиёна талон-торожлари ва бунга йирик амалдорларнинг аралашуви оқибатида келиб чиққан жоҳорлар бosh истеъфо берганди. Молия вазирини лавозими Садаказу Танигаки, экология вазирини Юрико Коикэ ҳамда давлат ери ва транспорт вазирини Каэзуо Китагава ўз лавозимига қолди.

ЯҚИН ШАРҚ АЛАНГА ИЧИДА

Исроил ва Фаластин ўртасидаги муносабатлар яна кескинлашиб бормоқда. Жорий йилнинг сентябрь ойида Исроил ҳукумати Газа минтақаси ва Иордан дарёсининг гарбий соҳилидаги яхудий қишлоқлари ҳамда ҳарбий бўлиналари олиб чиқиб кетган эди. Аммо сўнгги кунардаги воқеа-ҳодисалар бу ерда ҳали-бери тинчлик қарор топмаслигини кўрсатмоқда.

Ҳафта бошида Фаластиндаги айирмачи гуруҳлар Исроилнинг Сдерот шаҳрини «Кассам» русумидаги ракета-лар билан ўққа тутди. Бунга жавобан Исроил томони Газа минтақасидаги Рафох шаҳрига ҳаводан зарба берди. Чоршанба кuni Исроилнинг Хадерат шаҳридаги бозорлардан бирида содир этилган қўпуровчилик эса шундан ҳам омонат бўлиб турган барқарорлиқни бутунлай издан чиқариб юборди. Хунрезлик оқибатида ўнга яқин одам қурбон бўлди, қўпчилик жароҳатланди. Полиция ҳодимларининг фикрича, террорчилик ҳаракати фаластинлик аёл томонидан амалга оширилган. Шунингдек, портловчи модданинг бозорга бир неча кун аввал ўрнатиб қўйилгани ҳам тахмин қилинмоқда. ПАТА-ТАСС хабарига қўра, қўпуровчилик учун жавобгарлиқни «Ислол жиҳоди» террорчи гуруҳи зиммасига олган. Гуруҳ аъзолари хунрезлиқни ўз раҳбарларидан бири Луаи ас-Саадийнинг ўлимига жавобан амалга оширганни маълум қилган. Ас-Саадий ўтган душанба кuni Исроил армияси томонидан Тулқари шаҳрида ўтказилган навбатдаги операция чоғида ўлдирилган эди. Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Махмуд Аббос тинч аҳоли ўлимига сабаб бўлган маъмур террорчиликни қаттиқ қоралади. Ҳ.А.

ТИЛ — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Янгийўл шахридаги тиббиёт коллежида тил маданияти масалаларига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Унда давлат тилини ўрганиш, сўзлашиш маданиятининг ҳусусиятлари ҳақида фикр юритилди. Уқутувчилар ва талабаларда тиббиёт фанлари доктори, профессор Шухрат Раҳмоновнинг халқимизнинг маданий бойлиги, унинг ҳозирги илмий-техникавий ва ижтимоий-сийсий тараққиётга монанд равишда янги сўзлар билан тўлдирилиши, истиқлол шарофати билан қайта тикланган тилимиз бойиб, жозибали бўлиб бораётгани ҳақидаги мулоҳазалари катта таассурот қолдирди. Мукамбар АЗИМОВА.

Қонун ва ижро

Бу йилги ҳўжалик мавсуми вилоятимиз пахтакорлари учун муваффақиятли кечди. Қабул пунктларига 275 минг тоннадан зиёд пахта топширилиб, шартномавий режа ортиги ҳисса бажарилди. Бу галабага фермер ҳўжалиқлари салмоқли ҳисса қўшди. Хирмонларга уйилган жами ҳўслининг деярли 45 фоизидан кўпроғи улар ҳиссасига тўғри келди.

Шу жараёнда вилоятда фермер ҳўжалиқларини ҳуқуқий ҳимоялашга доир қонунларга ҳақиқат ҳам амал қилинми? Уларнинг молия-иқтисодий маффаатларига зиён етказилмади? Гоҳида эски даврлардан сақланиб қолган маъмурий-бўйруқбозлик ҳолатлари намоён бўлмади? Бу йилги қишлоқ ҳўжалик ишлари якунланиб, иқтисодий-ижтимоий натижалар ва қонуний сарҳисоб қилинаётган ҳозирги паллаларда юқоридаги каби саволларга жавоб топиш, ҳўжалик йили якунларини шу жиҳатдан ҳам таҳлил қилиш фойдадан ҳоли эмас. Чунки, қишлоқда ислотхотларни амалга ошириш жараёндаги бугунги муваффақиятларга соя ташловчи ҳар қандай ҳолатлар пахта, галла, сабзавот ва чорвачилик махсулотлари етиштириш, бу нэматлар билан ҳам бозорни, ҳам қайта ишлаш корхоналарини бир маромда таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар жиддий тўсиққа айланиши табиий.

ЭСКИ АНДОЗА

жир. Қонунбузилиш ҳолатлари — инчунун. Мансабдор бир ўринда қонунни бузди, ўзини уни «те-кисламоқчи» бўлиб, бошқа жиҳатларда ҳам қонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўя бошлайди. Пскент туманида ҳам шундай бўлди. Бу ерда қонунбузилишнинг бошқа кўринишлари ҳам йўқ эмас. Бир ўринда пахта ёки галла экилиши лозим бўлган ерларга бошқа экинларни экишга буйруқ берган амалдорлар иккинчи ўринда юқоридаги қонунбузилиш ҳолатларини, яъни мақсадида пахта ва галла етиштиришга иктисослашмаган, аслида сабзавотчилик ва чорвачилик йўналишидаги 711 та фермер ҳўжалигининг 1595 гектар ер майдонига зўрлаб чигит эктиришган. Бу қонуний хатти-ҳаракатлар эл-юрт маъмуричилигига ҳам, фермерлар маффаатларига ҳам жиддий зиён етказган. Табиийки, туман прокуратураси ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими, фермер ҳўжалиқлари уюшмаси, ер ресурслари хизматининг мансабдор шахслари ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 207-моддаси 1-қисми, 205-моддаси 1-қисми ва 208-моддаси билан жавобгарликка тортилди. Афсуски, Пскентдаги сингари қонунбузилиш ҳолатлари бошқа туманларда ҳам у ёки бу даражада содир этиляпти. Чунки, Урта-чирик туманида 3 та, Янгийўл туманида 140 та фермер ҳўжалигининг жами 688,3 гектар ер майдони ҳам қонунга зид равишда сабзавот, полиз ва бошқа экинлар учун тақсимлаб юборилган. Урта-чирик туманининг 280 та фермер ҳўжалигига тегишли 650,1 гектар экин майдони эса, тақсимотга умуман қўшилмасдан, талон-торож қилинишига йўл қўйилган. Айни шу туманда сабзавотчилик ва чорвачиликка иктисослашган 42 та фермер ҳўжалигининг 440,8 гектар ер майдонига пахта, 356,6 гектарига галла, Янгийўл туманида 112 та фермер ҳўжалигига тегишли 429 гектар ернинг 236 гектарига пахта, 193 гектарига галла эктирилган. Табиийки, бунда фермерларнинг ихтиёрлари, шартнома шартлари тамоман инкор этилган. Бундай ўзбошимчиликларнинг

ўзибўларчиликка йўл қўйила бошлаган эди. Шунини айтиш қифояки, қўқламга дала ишлари бошланиши арафасида прокуратура идоралари ўтказган мониторинг чоғида фермер ҳўжалиқларининг 195 таси кредит учун, 599 таси ерни экишга тайёрлаш учун техника хизмати кўрсатилишига, 247 таси ёқилги учун, 78 таси чигит экиш чоғида солинадиган минерал ўғитини олиш учун тегишли корхоналар билан шартнома тузмаганлиги аниқланди. Прокуратура ҳодимлари аралашуви билан бу нуқсонлар бартараф этилиб, шартномалар тегишлича расмийлаштирилди. Умуман, пахтачиликни бир маромда ривожлантиришга тўғанок бўлиб келаётган яна бир жиҳатга ҳам тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Бу ўринда ширкат ва фермер ҳўжалиқлари билан «Пахтасаноат» бирлашмасининг ҳисоб-китобларидаги сансалорлик назарда тутилмоқда. Гап шундаки, ҳўжалиқлар топширилган пахта ҳосили учун ҳақни ҳамиша ҳам вақтида олишмайди. Бу эса ички ҳўжалик ишларини бир маромда йўлга қўйишга имкон бермайди. Жумладан, вилоят ширкат ва фермер ҳўжалиқлари 2004 йилги пахта хом ашёси учун 80 фоизли тўловларнинг 472 миллион сўмини шу йил апрель ойи бошигача олишмаганлиги аниқланди. Фақат вилоят прокуратураси олиб борган тадбирлар натижасидагина «Пахтасаноат» бирлашмаси ҳўжалиқлар билан бир ҳафта ичида тўлиқ ҳисоб-китоб қилди. Кўриниб турибдики, фермерлик ҳаракати самарадорлигини ошириш, умуман, пахтачиликни бир маромда ривожлантиришга тўғанок бўлиб келаётган ҳолатлар оз эмас. Буларнинг барчаси туманлардаги базис мутасадди идораларнинг ҳодимлари тегишли қонунлар, фармон ва қарорларга риоя қилмасликларининг оқибатида. Нахотки, базис масъул ҳодимларнинг оддий ҳақиқат — қонун муқаддас эканлигини, унга оғишмай амал қилиш лозимлигини ўқиб олишлари шунчалик қийин бўлса? Биз қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларига ёндошувда эскича андозалардан қанчалик тез ва бутунлай қутула олмас эканмиз, ислотхотларнинг муваффақияти кутилганидек бўлмайди. Бунини ҳамиша ёдда тутишимиз ва қонунларга оғишмай амал қилишимиз лозим.

Жаҳонгир ПЎЛАТОВ, вилоят прокуратурасининг қишлоқ ҳўжалик соҳасида қонунчиликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими прокурори, биринчи даражали ҳуқуқшунос. ЖўРА САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



СУРАТЛАРДА: ҳўжалик бош хисобчиси Турғун Шерманов (чапда) бош пудратчи Яхшилик Эргашев даласидаги ҳосилни кўздан кечирмоқда; шол йўғини пайғи. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ОАО «Toshvilsuvovava» сообцает:

Информация о существенном факте (порядковый номер сообщения — 07) Наступление даты закрытия реестра

Решение о дате закрытия реестра акционеров принято на заседании наблюдательного совета общества, проведенного 29.10.2005 года. Дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг, — 31.10.2005 года.

Информация о созыве внеочередного общего собрания акционеров

03.12.2005 года в 10.00 состоится внеочередное общее собрание акционеров ОАО «Toshvilsuvovava» по адресу: Ташкентская область, Кибрайский район, поселок Кибрай, улица У. Усупова, дом 1. Список акционеров, имеющих право на участие во внеочередном общем собрании акционеров, составлен по данным реестра акционеров, закрытым по состоянию на 31.10.2005 года.

- Повестка дня: 1. Реструктуризация ОАО «Toshvilsuvovava». 2. Внесение изменений в устав общества. 3. О списании основных средств. 4. Об утверждении решений наблюдательного совета ОАО «Toshvilsuvovava» за период июнь-ноябрь 2005 года. 5. Об утверждении аудитора.

Регистрация участников собрания будет проходить с 9.00 по вышеуказанному адресу: При себе иметь паспорт или удостоверение личности, а предъявляем акционеров — нотариально заверенные доверенности.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» Сизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат корхоналари, объектилари ва улушлари бўйича ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг бўлимларида ўтказиладиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига тақриф этади!

- Савдоларга 2005 йил 2 ноябрдан куйидаги давлат объекти куйилади: 1. «Jota print» МЧЖ (собиқ Уртачирик тумани бoshмаҳонаси)нинг 26 фоизлик давлат улуши. Бошланғич баҳоси — 16800 АКШ доллари (тўлов УАР Марказий банкнинг объектининг сотилган кундаги курси бўйича амалга оширилади). Савдоларга 2005 йил 4 ноябрдан куйидаги давлат объекти куйилади: 2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи қишлоғида жойлашган «Yangiye'l G'isht» давлат унитар корхонаси. Бошланғич баҳоси — 48202,1 АКШ доллари. (Ер майдони баҳоси бу ҳисобга киритилмаган). Имкониятинингизни бой берманг! Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мавароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Телефон: 133-28-52, факс: 133-43-73.

Чин арафа



АЙЁМНИГИЗ МУБОРАК

ойида раво кўради. Чунки, рўза тутиш гуноҳлардан пок...

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм! Азиз юртдошлар, Рамазон ҳайити муносабати билан...

улуг фазилатларидан бири шукки, унда мўминларнинг гуноҳлари мағфират қилинади...

лан ибодат қилиб, кўнгиллари тақво либосин кийди. Рамазон ҳайити қадимдан юртимизда халқимизга хос меҳр ва мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келган...

«Рамазон ҳайити кунни тонгда ҳамма кўчаларнинг бошида фашисталар туриб: «Эй, мусулмонлар жамоаси! Саҳий Парвардигор ҳузуринга шайлигинлар, ахшиликларни ато этади, кейин унга катта савоблар беради. Дарҳақиқат, сизлар кечалари ибодат қилишга буюрилган эдингиз, кечалари қоим бўлдингиз. Кундузлари рўза тутишга буюрилган эдингиз, рўза тутдингиз. Парвардигорингизга итоат қилдингиз, эвазига муқофотингизни олингиз», — деб тоғи қилдилар. Ҳайит намозини ўқиб бўлганларидан сўнг эса бир фаришта нидо қилиб: «Албатта, Парвардигорингиз барча гуноҳларингизни мағ...

Аллоҳга беадад шукрки, кутлуг Рамазон ҳайитига етишдик. Мўмин-мусулмон кишиларимиз бир ой мобайнида рўза тутиб, ихлос би...

фират қилди, ўз уйларингизга хурсанд бўлган ҳолда қайтинглар, чунки, бу муқофот кундир», — дейди. (Табароний ривояти).

Шундай кунларга соғомон етказгани учун Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, ўзаро меҳр-оқибатли, ҳусни муомалада бўлайлик. Бирор сабабга кўра, арашлаган, гина-қудуратли таниш-билишлар ҳам ҳайит шарофати тўғрисида бир-бирларига кўчак очсинлар. Чунки, кечиримли ва меҳр-оқибатли бўлиш чин мўминга хос фазилатдир.

Муборак Рамазон ҳайити улуг байрам. Бу кунни шоду хуррамлик билан ўтказиш керак. Баъзи жойларда қузатилганидек, гуруҳ-гуруҳ бўлиб фотиҳага бориш, байрамни азага айлантириш каби иллатларга барҳам бериш лозим.

Ватанимиз истиқболи порлоқ, диёримиз тинчлиги ва оқойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз. Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

Абдураҳим қори БАХРОМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

• Sport • Sport • Sport • Sport •

ЭШКАКЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси якунланди. Байдаркачиларнинг яқкалик беллашувида хотин-қизлар ўртасида Юлия Борзова 200, 500 ва 1000 метр масофага ўтказилган баҳсларда олтин медалга сазовор бўлди. Эркаклар ўртасидаги пойғаларда Алексей Бобожоновга етадигани топилмади.

Хотин-қизлар ўртасида жуфтлик беллашувида Ольга Умаралиева ҳамда Мария Мехеда, эркаклар ўртасида Сергей Борзов ва Алексей Бобожонов дўстлари 200, 500 ва 1000 метр масофага ўтказилган пойғаларда би...

ринчи ўринни эгаллади. Галиби ва совриндорлар мамлакат терма жамоасига қабул қилинди. Энди эшкакчиларимиз 14 декабрь кунни Малайзияда бошланадиган Осиё чемпионатида иштирок этади.

ШОҲСУПАНИНГ ИККИНЧИ ПОҒОНАСИДА

Пойтахтимизда гандбол бўйича хотин-қизлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур беллашувлари якунланди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — Тошкент шаҳрининг «Алгоритм» жамоаси беш учрашудан 10 очко жағмағи, биринчи поғонага кўтарилиб олди.


Фақат пешқадамга енгилган «Олмалик кон-металлургия комбинати» (Олмалик)

гандболчилари саккиз очко билан иккинчи ўринда бормоқда. Ўзбекистон миллий университетининг «ЎЗМУ» жамоаси вакиллари уч галаба эвазига олти очко билан учинчи ўринда қайд этилган.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, ЎЗА мухбири.

Шундан кейин

Антиқа автомобиллар намоиши



Шу кунларда Япония пойтахти Токио шаҳрида 39-халқаро автосалон ўтказилмоқда. Кўргазма павильонлари салкам 40 минг квадрат метрга чўзилган. Япониядаги автомобилсозлик компаниялари ушбу автосалонга катта ҳозирлик кўрган. Масалан «Хонда» компанияси тўртта стендада ўз маҳсулотларини намоиш қилмоқда. «Тойота» эса автосалонга 23 хил русумдаги автомобилларини келтирган. «Ниссан» компанияси бир йўла 8 та янги русумдаги автомобилни намоиш қилмоқда. Уларнинг орасида ўз ўқи атрофида айлана оладиган кабинага эга бўлган янги электромобиль ҳам бор. «Тойота» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган электромобиль ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. У 2 ёки 3 та гилдиракда тез ҳаракатланиши ва мураккаб ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Токио автосалони 4 ноябрга қадар давом этади.

ИЖОДКОРЛАР СУЛОЛАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида расомлик ва миллий хунармандлик йўналишида фаолият кўрсатаётган сулолалар ижодида бағишланган кўргазма очилди.

Унинг очилишида сўзга чиққанлар юртимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳалар сингари тасавир санъат ҳамда миллий хунармандлик ривожига ҳам катта эътибор билан қаралаётганини таскидладилар.

«Гурумсаройлик усталар мероси» мавзусидаги кўргазмада Ваҳобжон Буваев ижодига мансуб бадий кулолчилик намуналари билан танишиш мумкин. Маълумки, Гурумсарой — юртимизнинг энг қадимий кулолчилик марказларидан. Утган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларида Х.Сотимов, М.Раҳимов, Х.Ҳақимов, М.Туропов каби бир сулолага мансуб моҳир усталар ушбу марказ довуғини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшганлар.

Бугунги кунда ана шу анъаналарни уларнинг шоғирди Ваҳобжон Буваев давом эттирмоқда. Еш уста ишлаган кулолчилик буюмлари ўзининг нафислиги, мўъжазлиги, рангларининг ёрқинлиги ва миллийлиги билан эътиборни тортиди.

Кўргазманинг «Ургутлик қўли гул усталар» мавзусидаги қисми ҳам миллий хунармандлик ихлосмандларидан катта қизиқиш уйғотётгани табиий. Унда маҳшур кулол Маҳкам Облоқулов ҳамда унинг фарзандлари ижоди билан танишиш мумкин. Маҳкам сулола вакиллари 17-асрдан буён кулолчилик қилиб келади. Улар ишлаган буюмларда Ургут мактабига хос қирралар акс эттирилган бўлса, миллий каштачилик намуналарида йўқолиб бораётган услуб ва йўналишлар тиклангани ахамиятлидир.

Кўргазмадан яна бир сулола вакиллари — Геннадий Скоков, унинг қизи Татьяна ва кўёви Ҳасим Мирзаахмедов асарлари ҳам ўрин олган. Маҳкам сулола вакиллари Дилбар ва Темуэр Мирзаахмедов оилавий анъанани рағбатлантириш, либослар дизайни, компьютер графикаси йўналишларида муваффақиятли давом эттириб келмоқда.

Музаффар Владислав Харитонов сулоласи ҳам тасавир санъат ихлосмандларига яхши таниш. Унинг умр йўлдоши Луиза, қизлари Надежда ва Ольганинг рангтаасвир, каштачилик, безакли пластика йўналишларидаги асарлари мавзусини асосан юртимизнинг бетакрор табииати манзаралари ташкил этади.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Дарҳақиқат, Нодира Нортеева туйғулари тиниқ киз. Бир умр тошдеворлар, бетон уйларда яшаган шоир ҳам табиат гўзаллиги ҳақида ёзиши мумкин. Аммо ҳар кунни кўртакнинг лаб очишини кузатиш бахтига муяссар бўлган, айвонига келган қалдирғочларни кутлаб, табассумини еларга сочиб юборадиган шоиранинг ёзганлари, албатта, табиий ва самимий бўлади.

Вилотиимизнинг пурвигор Чотқол тоғ тизмалари бағрида, кўҳна Паркентнинг Чанги қишлоғида камол топаётган умидли шоира Нодира 11-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси. У момо ер қизи, она табиат кўйчиси. Унинг зийрак нигоҳи баҳорнинг исини, ҳар томон ёйилиб учаётган қалдирғочларни кўра билади. Унинг ошиқ дили қалдирғочларга кўшилиб, беихтиёр кўкда парвоз эта олади. Табиат гўзалликларини кўзга, дилга муҳраш учун қалб эгаси бедор ва безовта бўлиши лозим. Нодирадан бир байт келтираман:

Шамоллар бағрида мангу яшайди, Менинг шамолларда қолган ҳисларим. Тиниқ туйғуларини, тотли ҳисларини шамоллар бағрига мангуга кўшиб қўйишни тасаввур қилишнинг ўзида бир гўзаллик бор. Мен Нодирани кўзларга кўтариш учун ушбу битикни қоралаётганим йўқ. Нодира шеърининг машаққатли йўлига чиққанини яхши билади. Бу йўл азоби, бедорлик йўли, беморлик йўли... Унда ёруғ юз билан юрмоқчи бўлганлар ижод машаққатларидан нолимайдилар. Шоирликни қисмат деб биладилар.

Мен Нодирага кўнглинг бошлаган йўлинг муборак бўлсин, борар бекатларингда сени бахт кўтсин, дейман.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири.

Туйғулари тиниқ киз

ҚАЙДАСАН

Яна куз келди, оҳ, баҳор қайдадир, Соғинчим бағринга қачон қайтадир. Қадринга етганда ортиндан бўзлаб, Кимдир кўшигини мунгли айтадир.

У жилгадир, мендай сени соғинган, Кўшигингни айтиб, йиғлаб овулган. Дийдоринга боқиб, бир бор кўрмоқ-чун, Энтикиб, кўнглини ўтда қовурган.

Қани кузлар навбахорга айланса, Бойчечаклар қўшиқларга бойланса. Кўшигини айтиб, бутун оламни, Уйғотмоққа булбул яна шайланса.

Нега кузинг кунни узун бунчалар, Атиргуллар қачон яна гунчалар. Бўйларингга зору интизор бўлиб, Йўлларингни кутар нечалар.

РУҲИМ

Дардга тўла юрагимга сифмасдан Руҳим олисларга учмоқ истайди. Вужудимдан кетиб, умримдан кечиб, Бир кўнглига макон қурмоқ истайди.

Фақат тушларимда учар у эркин, Гўзал табиатнинг ҳуснига тўйиб. Ахир инсон қандай яшаши мумкин Тани бир, руҳни бир томонга қўйиб?!

Гулларнинг юзида шабнам товляниб, Ҳуснига қўшарди у кўзгу чирой. Қушларнинг куйига жўр бўлган каби Қирғоғига сиймай оқар эди сой.

Қалдирғочлар кўкда этарди парвоз Баҳорнинг исини ҳар томон ёйиб. Келса гар келинчак қўқлам юз очиб, Замин гўзалликка кетади бўйиб.

ЧАҚМОҚ

Найнинг навоси янглиғ, Чертгин дил торларимни. Диллимдан куй таралисин, Унутай зорларимни.

Сен чин юракдан чалгин, Маст бўлай охангига. Кўз илғамас куйларнинг Рақс этгум жарангига.

Ошкор этай, эй наво, Сен менга бўлгин сирдош. Дардларим тўкиб солай Юрак бергунча бардош.

Мен уларни куй қилсам Тор узилар, биламан. Сен дуторда чалганда Дил торимни чаламан.

НОДИРА НОРТООЕВА.

MTV

маросими кечиктирилди

Вильма тўфони яқинлашиб келаётганиги боис Лотин Америкаси поп музиксининг ривож учун самарали ҳиссасини қўшганларга Эм-Ти-Ви совринларини топириш маросими маълум муддатга ортага сурилди. Бу сафар Шаҳрининг олти номинатсия бўйича Эм-Ти-Ви муқофотини қўлга киритиши кутилмоқда. Маросим Плайя-дель-Кармен ҳудудида ўтказилиши лозим эди, бироқ, яқинда соатига 265 километр тезликда ҳаракатланаётган Вильма тўфони айнан шу ҳудуддан ўтиши маълум бўлди. Шундан эътибор, маросим ташкилотчилари мушқий тадбирни кечиктиришга қарор қилди. Эм-Ти-Ви номзодлари бу муқофотни қўлга киритиш онларини яна бир қанча вақт кутишларига тўғри келади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Ташкентская правда

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОХИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълолар: 133-58-85, 136-53-54.

Маълумоти: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридagi Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.